# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 4-NOYABR, SESHANBA, 131 (8368)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## Куннинг муҳим воқеалари

► 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорга имзо чекди.

► **Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошида “Аёллар маслаҳат маркази” иш бошлади. Бу ерда хотин-қизларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлашга кўмаклашилади, уларга амалий ёрдам кўрсатилади, зарур тавсиялар берилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу хизматлар бепул бажарилади.**

► Нукусда “Ниҳол” республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган 70 нафар йигит-қиз ўз маҳоратини намойиш этди. Ғолиб деб топилган 10 нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

► **“Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда Олтинкўл туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зилола Тоштемирова ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

► Сурхондарё вилояти Ангор туманида 2015 йил ҳосилига пухта тайёргарлик кўриш ва кузги шудгорлаш ишларини ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

# МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР

## “ЎЗЭКСПОМАРКАЗ”ДА VIII ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ ЯКУНЛАНДИ.




***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармонига мувофиқ ўтказиб келинаётган саноатчиларнинг мазкур анъанавий форуми мамлакатимизнинг маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг янги тур ва йўналишларини ривожлантириш борасидаги ютуқларини яна бир бор намойиш этди.***

Кооперация биржаси иштирокчилари корхоналар саноат тармоқлари эҳтиёжларини баҳолаб, ривожланиш истиқболларини белгилаш, келгуси йил учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштириш ва буюртмалар портфелини шакллантириш имконига эга бўлди.

Анъанага кўра, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси икки босқичда ўтказилди. Жорий йилнинг март-июнь ойларида бўлиб ўтган биринчи босқичда ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркалари ташкил этилди. Уларда 3,8 мингдан зиёд корхона 19 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотларни тақдим қилди. Ярмаркаларда жорий йилда саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш бўйича 890,5 миллиард сўмлик хўжалик шартномалари тузилди. Экспорт шартномалари ҳажми эса 260,2 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Иккинчи босқичда мамлакатимизнинг 1700 дан ортиқ корхона, компания ва ташкилотлари томонидан машинасозлик, автомобилсозлик, электр техникаси, қурилиш, металлургия, кимё, нефть-газ, озиқ-овқат, енгил саноат, фармацевтика ва бошқа тармоқларнинг 20 мингдан ортиқ номдаги тайёр маҳсулотлари, бутловчи буюмлар ва материаллари тақдим этилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

*Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси “Бизнесни юритиш – 2015” кўрсаткичи бўйича дунё мамлакатларининг янги рейтингини эълон қилди.*

Унга кўра, Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича сўнгги бир йилда 8 поғона кўтарилди. “Кредит олиш” индикатори бўйича рейтинг кўрсаткичлари бундан-да юқори ўсиши таъминланди – ўтган йилдагига нисбатан 26 поғона илгарилади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон эришаётган натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Дунёнинг баъзи мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли пасайиши, айрим ривожланган давлатлар ва йирик молия институтларининг рейтинг баҳолари тушиши кузатилаётган бир вақтда мамлакатимиз банк тизимининг бундай юқори баҳоланиши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасининг яна бир яққол ифодасидир. Мамлакатимизда банк тизими доимий қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит ахбороти алмашинуви ҳамда гаров таъминоти бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан муайян тажриба тўплагани рейтинг баҳосининг ўсишига муҳим замин яратмоқда.

Мамлакатимизда кредит олиш учун тақдим қилинадиган аризаларни кўриб чиқиш муддати уч банк иш куни этиб белгилангани, банкларда ҳисобрақами очиш учун тўлов ундириш бекор қилингани, экспорт-импорт шартномаларини саккиз иш соатида рўйхатга олиш имконияти яратилгани бизнес лойиҳаларни тез ва қулай молиялаштириш имконини бермоқда. Тижорат банклари томонидан сўнгги ўн йилда кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан маълум қилишларича, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, яратилган қулай макроиқтисодий шароитлар банк тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, депозитлар ҳажми ошиши ва банк кредитларига бўлган талабнинг кўпайишига хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида банклар томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 7,3 триллион сўмга етди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп демакдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига биноан мамлакатимиз банк-молия тизимини янада ривожлантириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланиб, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларни халқаро мезонлар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг бу хулосаси Ўзбекистонда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритишнинг тобора такомиллашиб бораётганини тасдиқловчи яна бир эътирофдир.

**ЎзА**

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатларда сайлов участкаларини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ёритиш учун журналистларни аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.**

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка биноан сайлов участкалари асосий мезон – сайловчиларга барча қулайликлар яратиш инобатга олинган ҳолда ташкил этилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам сайлов участкалари ташкил қилинмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, парламент сайлови бўйича 44 та сайлов участкасини тузиш ва уларни Тошкент шаҳридаги 126-Темирйўлчилар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, сайловчилар учун зарур шароитлар яратишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни холисона ва ҳар томонлама ёритишни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида маҳаллий ҳамда хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясига тегишли тартибда мурожаат қилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколати доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

САЙЛОВ/2014

# ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР



**Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VI съезди бўлиб ўтди.**

Съездда партия томонидан ўтган беш йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Шунингдек, истиқболдаги режалар муҳокама этилди. ЎзЛиДеП Сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Б.Ёқубов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда партиянинг ролига алоҳида тўхталдилар.

Маълумки, партиянинг 2009 йилги сайловолди дастури ижроси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу борада мулкдорлар манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, саноатчи фермерлар сафини тобора кенгайтириш доимий эътиборда экани таъкидланди. Дарвоқе, сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 55,8, саноатдаги улуши 31,1, ўзлаштирилган инвестициялар эса 33,2 фоизга ўсди. Иш билан таъминлаган аҳолининг 76,5 фоизи айнан хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳисобига 650 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда партия томонидан давлат бошқаруви, ижтимоий-гуманитар, маънавий, интеллектуал соҳаларда ўндан ортиқ лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Ушбу лойиҳалар аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишни кўзда тутади. Хусусан, “Мулкдор оила” лойиҳаси доирасида 1760 нафар иштирокчининг 28,5 миллиард сўмлик бизнес-режалари молиялаштирилди. “Ишбилармон талаба”, “Парламентда менинг ўрним”, “Агар депутат бўлсам...”, “Диплом билан бизнесга” каби лойиҳаларда иштирок этган 874 минг нафарга яқин ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билим ва кўникмалари оширилди.

Съездда партиянинг мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштироки бўйича масала атрофлича муҳокама қилинди. Партиянинг сайловолди дастури тасдиқланди. Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, ЎзЛиДеПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**С.САЙИДИСЛОМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# АДОЛАТ – АСОСИЙ МЕЗОН

**Пойтахтимизда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди.**




Унда партиянинг 2009 йилги сайловолди дастуридаги устувор йўналишларнинг бажарилиши, мафкуравий, ташкилий-кадрлар соҳасидаги ишлар ва парламент қуйи палатасидаги партия фракцияси фаолияти таҳлил этилиб, истиқболдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Н.Умаров, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари С.Турсунов ва бошқалар мамлакатимизни жадал ривожлантириш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятлар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омилга айланаётганини таъкидлади.

Ҳисобот даврида мамлакатимизни демократлаштириш ва сиёсий жиҳатдан модернизациялашнинг янги босқичига ўтилганлиги Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Партия марказий органлари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлар гуруҳларининг иш режаси қайта кўриб чиқилди. Ташкилий-партиявий ишлар даражасини мунтазам ошириб бориш билан бирга партиянинг сайловолди дастуридаги “Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони” ғояси асосида партия электоратига мафкуравий жиҳатдан таъсир кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот, маънавий-тарбиявий ишларни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Партия саъй-ҳаракатлари қуйидан юқори бўғингача бўлган барча ташкилотларни қамраб олувчи йирик мафкуравий акцияларни уюштиришга йўналтирилди. “Энг яхши ижтимоий бизнес ғоя”, «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси», «Партиянинг оқила аёли», «Энг яхши матбуот котиби» каби лойиҳалар шулар сирасидандир.

Партиянинг дастурий ғояларидан келиб чиққан долзарб масалалар бўйича унинг минтақавий тузилмалари билан видеоконференция ва телекўприк ўтказиш тажрибаси шакллантирилди. Партия фракцияси мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватловчи, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, суд-ҳуқуқ тизимларини янада мустаҳкамловчи қатор қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида фаоллик кўрсатди.

Йиғилишда мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этишда партиянинг “Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони, адолат – ҳар бир инсон учун” деб номланган сайловолди дастурининг асосий қоидалари тасдиқланди. Янги дастурда асосий эътибор ижтимоий соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш каби йўналишларга қаратилган.

Қурултойда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР



**(Боши 1-саҳифада)**

Намойиш этилган 1000 дан зиёд турдаги товарлар 2014-2016 йиллар учун тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йил бошидан буён ўзлаштирилгани эътиборга лойиқ. Рўйхатга киритилган корхоналар 2017 йил 1 январгача божхона ва солиқ имтиёзлари ҳамда преференцияларга эга. Жумладан, улар хориждан олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловларидан озод этилган. Бу мамлакатимиз ишлаб чиқаришига илғор хорижий технологияларни жорий этиш ва жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

– Импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб, бу янги иш ўринлари ташкил этишга ёрдам бермоқда, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар учун янги имкониятлар тақдим қилмоқда, – дейди Бухоро вилоятидаги «Buhoro-Bahor» қўшма корхонаси директори ўринбосари Саиджон Гадоев. – Корхонамиз кооперация асосида турли ювиш ва тозалаш воситаларини ишлаб чиқармоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида янги ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйдик.

“Ўзбекчармпойабзали” уюшмасининг 70 дан ортиқ корхонаси замонавий кундалик ва махсус пойабзаллар, спорт инвентарлари, аёллар сумкаси каби кўплаб маҳсулотлар тақдим этди. Саноат форумида улар мамлакатимиз ва хорижий шериклар билан узоқ муддатли шартномалар тузди.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хомашё ва материаллар юртимиз истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотилмоқда.

Форумда дунёнинг Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Чехия, Жанубий Корея каби ўнлаб давлатларидаги фирма ва компанияларининг 1200 дан ортиқ вакили юртимиз саноати салоҳияти билан танишиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича кўплаб шартномалар тузди. Айни пайтда улар мамлакатимизда хусусий ёки қўшма корхона очиш истиқболларини баҳолаш имкониятига ҳам эга бўлди. Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига ихтисослашган корхоналарнинг бир жойда тўплангани чет эллик иштирокчилар учун Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг асосий афзалликларидан бири бўлди.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, барча соҳаларга замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, автомобилсозлик соҳасида қатор қўшма корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Чунончи, “MAN Auto Uzbekistan” қўшма корхонаси ва “СамАвто” масъулияти чекланган жамияти экспозициялари Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу корхоналар самосвал, самосвал тиркамалари, шатак, автокран, шаҳар ва шаҳар атрофида қатнайдиган автобус ҳамда бошқа маҳсулотларни тақдим қилди. Умуман олганда, “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясининг ўнлаб корхоналари экспозициялари миллий автомобилсозлигимиз салоҳияти, жумладан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларимизни кенг намойиш қилди.

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси корхоналари кенг экспозиция билан иштирок этди. Жумладан, “Sino” очиқ акциядорлик жамияти, “Фотон” давлат унитар корхонаси, “Artel” савдо белгиси остидаги компаниялар гуруҳи каби корхоналар стендлари кўпчиликнинг эътиборини жалб этди. Мамлакатимиз электр техника саноати сўнгги йилларда мураккаб маиший ва радиотехника маҳсулотлари – телевизорларнинг замонавий моделлари, маиший ва саноат совиткичлари, кондиционер, газ плитаси, чангютгич, энергия тежайдиган лампа, электр чойнак, дазмол ва телефон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Етти кун давом этган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саксонта марказлаштирилган тақдимоти ўтказилди. Мамлакатимиз ҳудудлари тақдимотида маҳаллий ресурсларни ўзлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда саноат тармоқларининг асосий корхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Барча тадбирлар мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, суғурта компаниялари, банклар, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасига ихтисослаштирилган ташкилотлар мутахассислари иштирокида ўтказилди ва улар ўзининг малакали маслаҳат хизматларини кўрсатди.

Материаллар ишлаб чиқариш секторида алоқани йўлга қўйиш, тадбиркорлик ва новаторлик лойиҳаларини ривожлантириш мақсадида саноат ярмаркаси иштирокчиларига 2014-2015 йилларга мўлжалланган электрон ва қоғоз шаклидаги Ўзбекистон саноат маҳсулотлари каталоги таклиф этилди. Мазкур каталогда мамлакатимизнинг 2300 дан ортиқ корхонаси ва улар ишлаб чиқарадиган импорт ўрнини босувчи ва маҳаллийлаштирилган янги маҳсулотлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

Анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, ташқи хўжалик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу ерда ўзаро манфаатли битимлар тузиш имконияти мавжудлиги боис биргина ўтган йилги форумда саноат кооперацияси асосида маҳсулот харид қилиш бўйича қиймати 6,2 триллион сўмлик шартнома тузилди. Экспорт шартномалари ҳажми 6,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилда эса маҳсулот сотиб олиш бўйича шартномалар қиймати ўтган йилги кўрсаткичдан қарийб 1,4, экспорт шартномалари 1,1 марта ошди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бугунги кунда халқаро даражада талаб ортиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

МУНОСАБАТ

*Жорий йилнинг 28-29 октябрь кунлари Урганч шаҳрида бўлиб ўтган “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари таъкидлашганидек, Орол биргина мамлакат ёки минтақа муаммоси эмас, балки жаҳон ҳамжамияти олдида турган муаммодир.*

# ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Мазкур экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Орол муаммосини юмшатишнинг энг мақбул йўлларидан бири – денгизга қуйиладиган сув ҳажмини кўпайтириш ва минтақадаги экологик вазиятни имкон қадар барқарорлаштиришдан иборат. Мамлакатимизда сув ресурсларидан тежамли, мақсадли ва оқилона фойдаланиш, барқарор экотизимни яратиш чоралари кўрилаётгани бу борада салмоқли ишлар қилинаётганидан далолатдир. Конференция ишида ҳам шу йўналишда иш олиб бораётган хориж компаниялари, халқаро молия муассасалари вакилларининг мутахассислари ўз лойиҳалари ҳамда амалий тажрибалари билан иштирок этишди. Халқаро тадбир қатнашчилари ишни янги боғ барпо қилишда иштирок этишдан бошлашди. Зеро, Оролбўйи ҳудудларида янги боғ-роғлар, кичик сув ҳавзалари, ўрмонзорларни яратиш мавжуд муаммоларни юмшатишда ижобий роль ўйнайди.

Юртбошимизнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табригида қайд этилганидек, Орол денгизи фожиасининг оқибатлари бугунги кунда атроф-муҳитга, минтақада яшаётган миллионлаб инсонларга тобора кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу каби ҳолатларни минтақадаги бошқа ҳудудлар қатори вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти олимлари ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари ҳамкорликда олиб борган кузатишлари Орол минтақасидан атмосфера ҳавосига жуда кўп миқдорда туз ва чанг зарралари кўтарилишини кўрсатган. Маълумки, ҳудудимизда доимий равишда шамоллар эсиб туради. Бундай иқлим шароити Орол минтақасидан кўтариладиган туз ва чанг зарраларининг катта ҳудудларга, ҳатто қўшни давлатларга ҳам тарқалишига имкон яратади. Жумладан, таҳлилларда вилоят ҳудудидаги бир гектар майдонга йил давомида ўртача 200-700 килограмм миқдорида худди шундай туз ва чанг зарралари келиб тушиши аниқланган. Бу ҳолат атмосфера ҳавосига, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига катта зиён етказиши баробарида, минтақада яшайдиган инсонлар саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Орол муаммосини юмшаташ бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг олдида турган ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ўйлаймизки, бу борада халқаро конференция иштирокчилари томонидан кўтарилган таклифлар ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасидаги янги лойиҳалар ҳамда самарали дастурлар қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини кўрсатади. Чунки Орол муаммосини юмшатиш минтақадаги кўплаб давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишида катта ўрин тутади.

**Анвар НИЁЗОВ,**
*Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.*

Фарғона Вилояти

*Ўзбекистон Экологик ҳаракати Фарғона вилояти ҳудудий бўлинмасининг анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракати республика конференциясига делегатлар сайланди.*

# ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

Тадбирда таъкидланганидек, жаҳон парламентаризми тарихида илк бор Ўзбекистонда экологик ҳаракат учун депутатлик ўринларини квоталаш институти жорий этилгани давлат ва жамият учун муҳим бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни бартараф этишда парламентнинг ролини ошириш имконини бермоқда.

Шу ўринда айнан Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ташаббуси билан 5 та янги қонун қабул қилинганини айтиб ўтиш жоиз. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва ролини аниқ белгилаб берувчи, экологик назоратни ташкил этиш ва уни амалга оширишни тартибга солувчи қонун эканлиги эътироф этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича конференция ўтказиш ҳамда унда Экоҳаракат ҳудудий бўлинмаларидан депутатлар сайлаш тартиби ҳақида батафсил маълумот берилди.

Анжуманда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Республика Конференциясига муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан 25 нафар делегат сайланди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари, ОАВ ходимлари, кузатувчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган конференция ошкоралик асосида, демократик принципларга мос тарзда ўтди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**

# МАҲАЛЛА МАСЪУЛИЯТИ

**Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг 2014 йил тўққиз ойлик фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фонднинг республика бошқаруви ва ҳудудий бўлимлари мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, фаолиятини яхшилаш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Фонд тузилмалари томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастури ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди иш режасида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида жами 11 миллиард 465 миллион сўм маблағ сарфланди.

Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида жойларда семинарлар, Президентимиз асарлари ва маърузаларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Маҳаллаларда диний экстремизм ва ақидапарастликнинг турли кўринишларига барҳам беришга қаратилган туркум тадбирлар ўтказилди. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” ва “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аҳамиятини тушунтириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилди.

Ёшларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш мақсадида маҳаллаларда “Ота-оналар мактаби” ўқув машғулотлари кенг йўлга қўйилиб, таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, психологлар, дин арбоблари иштирокида суҳбатлар ташкил этилди. Маҳаллаларда 34 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ташкил этиш ва уларда 112 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилишида кўмаклашилди.

Ўтган даврда 873 фуқаролар йиғини компьютер жамламаси, 920 таси мебель билан таъминланди. 175 фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилиниб, 19 таси янгидан қурилди. 173 болалар майдончаси қайта таъмирланиб, 152 таси янгидан бунёд этилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида ўтказилган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” республика танлови маҳаллалар фаолиятига оид илғор иш тажрибасини оммалаштириш, соҳа ходимларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этди.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Футболимиз келажаги”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”. “Отам, онам ва мен – спортчи оила” мусобақаларида минглаб ўғил-қизлар, спортсевар оилалар фаол қатнашди. Маҳаллалардаги 757 минг бола спортнинг йигирмадан ортиқ тури ва бадиий ижодиёт тўгаракларига жалб этилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, маданият ва истироҳат боғларига, тарихий шаҳарларга саёҳатлар ташкил этилди.

Йиғилишда тизимда эришилган ижобий натижалар билан бирга, мавжуд камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Хоразм Вилояти

ДАВРА СУҲБАТИ



# ЎТМИШ ВА БУГУН УЙҒУНЛИГИ

## ХИВА ШАҲРИДА ТУРИЗМНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

*Бугунги кунда туризм юқори даромад келтирадиган соҳалардан бирига айланди. Шунингдек, ушбу соҳа аҳолини иш билан таъминлаш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Хива туризм ва бизнесни ривожлантириш марказида япониялик бир гуруҳ мутахассислар билан бўлиб ўтган давра суҳбатида Хивада ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ишлар, истиқболдаги режалар хусусида сўз борди.*

**Одилбек РАҲИМОВ – “Ўзбектуризм” миллий компанияси Хоразм минтақавий бўлими бошқарувчиси:**

– Туризм тараққиётга йўл очади. Мамлакат ободлиги, халқаро ҳамжиҳатлик, дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланишида ушбу соҳанинг ўрни салмоқли. Президентимизнинг “2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарори асосида Хивада яқин келажакда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, 20 дан ошиқ қўшимча сайёҳлик хизматлари йўлга қўйилади. Аввалдан мавжуд меҳмонхоналар қайтадан жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган даражада қайта таъмирланади. 14 та янги меҳмонхона қурилади. Янги боғлар, хиёбонлар, гулзорлар яратилади, рангли фавворалар ўрнатилади. Маданият ва истироҳат боғида намунали ҳордиқ чиқариш имкониятлари кенгайтирилади. Энг асосий масала ана шу имкониятлардан тўғри, оқилона фойдаланишда.

Ҳар бир мамлакатдан келадиган сайёҳнинг ўз қизиқиши, дунёқараши, талаб ва эҳтиёжлари борки, буларни яхши билмасдан, англамасдан туриб, бирон натижага эришиб бўлмайди. Айтайлик, хориждан келган меҳмон овқатланмоқчи. Хўш, унга қайси фаслда, қандай таомларни тавсия қилиш мумкин? Ёки уларнинг дам олишларини ташкил қилишда нималарга эътибор қаратиш лозим? Бундан ўн тўрт йил муқаддам ташкил этилган Хива туризм ва бизнесни ривожлантириш марказида шу мақсадда қатор ишлар қилинмоқда. Махсус мониторинглар ўтказилиб, меҳмонхоналар, ҳамроҳ таржимонлар фаолияти, музей ва тарихий обидалар билан таништириш жараёни, ресторанлар ва бошқа овқатланиш шохобчаларининг хизмат кўрсатиш даражалари баҳоланмоқда.

**Южи ИИДА – Япониянинг туристик агентликлар ассоциацияси халқаро туризм департаменти бош менежери ўринбосари:**

– Дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Хивага Япониядан сайёҳлар келиши йилдан йилга кўпаймоқда. Бу эса, аввало, мамлакатингизда тинчлик, осойишталик ҳукмронлиги, қолаверса, туризмни ривожлантириш масаласига давлат томонидан катта эътибор берилаётганининг исботидир. Ташкилотимиз вакили Мива Накагава Хива туризм ва бизнесни ривожлантириш марказида сайёҳликни ривожлантириш масалалари билан шуғулланиб келяпти. У бизнинг мижозларга Хива ҳақида қизиқарли маълумотларни беради, интернет орқали Хива обидалари, ўзбек халқининг қадимий қадриятлари ҳақида мақолалар бериб туради. Шу билан бирга, маҳаллий аҳолига япониялик сайёҳлар учун таомлар тайёрлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари ҳақида билганларини ўргатяпти. Ўйлаймизки, бу каби ишлар юртингизда туризмни янада ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилади.

**Аоки ХИРАКАЗУ – “H.I.S” туристик компанияси бўлим бошлиғи:**

– Хивадаги обидалар ҳар жой-ҳар жойда эмас, балки худди кафтга жойлашгандек яхлит, бир-бирига уйғун, бир-биридан салобатли ва кўркам. Бу эса шаҳарга келган одамда беихтиёр мозийга келиб қолгандек таассурот уйғотади. Айни шу жиҳат сайёҳларни бу ерга тортса ажаб эмас. Жорий йил компаниямизга Хивага келиш истагини билдираётганлар сони янада кўпайди.

**Санто ХИРОКА – “Yomiuriy Travel Service” туристик компанияси халқаро туризм департаменти бошлиғи:**

– Хива атрофидаги қумликлар ва кўллар экотуризмни ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади. Балиқ ови, қум барханлари бўйлаб сайр, сув транспорти хизматидан фойдаланиш каби хизматларни йўлга қўйиш сайёҳлик соҳасидан келадиган даромадларни янада оширади.

**Ота МАСАТАКА – “JTB Tourizm marketing” туристик компанияси халқаро туризм департаменти бошлиғи:**

– Ичанқалъа ҳунармандларининг савдо расталаридаги ёғоч, ганч, мис ўймакорлиги, қўлда тўқилган гиламлар, табиий жундан ишланган бош кийимлари, кулоллар ишлаган буюмлар юксак дид ва маҳорат самараси. Кўҳна Аркда жойлашган ёзги кинотеатрда “Ўзбекфильм” киностудияси олтин фондидан жой олган ўзбек халқи қадриятлари, урф-одатларини ўзида мужассам этган бадиий ва ҳужжатли фильмлар инглиз тилида (субтитр орқали) намойиш этилаётганлиги, ҳовлидаги фольклор ансамбли томошалари, албатта, сайёҳларга ўзгача завқ-шавқ бағишлайди.

*Давра суҳбати иштирокчилари бир неча асрлардан буён кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётган тарихий ёдгорликлар билан биргаликда кўплаб замонавий иншоотлар ҳам қад ростлаганлиги, мозий ва бугунги тараққиёт ёнма-ён яшаётганлигига гувоҳ бўлишгани, ҳар бир ўзбек хонадони оиласини улкан қадрият сифатида эъзозлаши, фарзандлари истиқболига куюнчаклиги, меҳмондўстлиги, самимийлигини таъкидлашди. Туризмни янада ривожлантириш бўйича ўз мулоҳазаларини билдиришди.*

**Давра суҳбатини Абдулла САФОЕВ ёзиб олди.**

# БУЮК АЛЛОМАГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

***Президентимиз Ислом Каримов шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда буюк аждодларимизнинг илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, янги кашфиётлар учун ажойиб материал бўлишини таъкидлади.***



Ўрта асрларда Марказий Осиё халқлари маданиятини юксак чўққига олиб чиққан, тиббиёт, адабиёт, мусиқа, физика, математика ва астрономия, кимё, география, психология, мантиқ ва фалсафага оид асарлари билан жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ алломалар орасида Абу Али ибн Сино алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида буюк мутафаккирнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини тўла тадқиқ этиш, унинг асарларидаги эзгу ғояларни ёш авлод онгига сингдириш, уларни бой тарихимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ибн Сино жамоат фонди ташкил этилгани, улуғ бобомиз киндик қони тўкилган макон – Бухорода турли халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этилаётгани машҳур алломанинг ҳаёти, фаолияти, илмий меросини ўрганиш, унинг бизга номаълум бўлган асарларини излаб топиш ва тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– "Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири" унвонига сазовор бўлган буюк аждодимиз Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти бугунги авлодларда ғурур ва ифтихор уйғотади, – дейди Ибн Сино жамоат фонди ижрочи директори Нозимхон Маҳмудов. – У замондош олимлар томонидан "Шайх ар-Раис" (олимлар йўлбошчиси), Ғарбда "файласуфлар султони" ва "шифокорлар подшоҳи" номлари билан шуҳрат қозонган. Алломанинг асарлари асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб илм-фани ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган.

Манбаларга кўра, илмий-тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган улуғ зот умри давомида 450 дан ортиқ асар яратган, бизгача уларнинг 242 таси етиб келган, холос. Ибн Сино асарлари ўрта асрларда Европада илмий тил ҳисобланган лотин тилига, шу орқали Европанинг бошқа тилларига таржима қилинган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон каби кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушган.

Жорий йилда Бухорода Абу Али ибн Сино таълимотининг фан тараққиётидаги ўрнига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда индонезиялик профессор Агус Сувандононинг таъкидлашича, Бухоро заминида туғилиб, камолга етган буюк олим жаҳон тиббиёти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган. Унинг "Тиб қонунлари" қомусий асари Европа ва дунёдаги бошқа кўплаб давлатларнинг тиббиёт олий ўқув юртларида кўп асрлар давомида дарслик сифатида ўқитилган. Бугунги замонавий тиббиёт долзарб муаммолар ечимини топишда алломанинг илмий меросига мунтазам мурожаат этаётгани унинг таълимоти ўзига хос бебаҳо манба эканидан далолатдир.

Ўзбекистонда буюк аллома Ибн Сино меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш юзасидан кенг кўламли илмий-амалий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ибн Сино жамоат фонди томонидан улуғ мутафаккир асарларида ёритилган муҳим масалаларни тиббиёт ходимлари ўртасида тарғиб этиш мақсадида анъанавий "Халқаро Ибн Сино ўқишлари" ташкил этилаётир. Ўзбекистон Фанлар академияси, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилаётган мазкур ўқишларда аллома асос солган йўналишларнинг инсон саломатлигини сақлашдаги ўрни, замонавий тиббиёт ривожида ушбу илмий меросдан фойдаланишнинг аҳамияти кенг тарғиб этилмоқда.

Жаҳон тиббиётининг илғор услублари юзасидан тажриба алмашиш, илмий мактабларда эришилаётган янгиликлардан хабардор бўлиш, тиббиёт ютуқларини ўзлаштириш, Ибн Синонинг меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, бизга номаълум асарларини излаб топиш мақсадида Ўзбекистондаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, етакчи тиббий-илмий муассасалар томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, дунёдаги етакчи тиббий-илмий муассасалар, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолияти тўғрисида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасида анжуманлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, алломанинг ижодий фаолияти нафақат устоз-мураббийлар, балки барча талабалар учун тиббиёт сирларини мукаммал ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур институт ҳудудида Абу Али ибн Сино боғи ташкил этилган. Боғда профессор-ўқитувчилар, магистр ва талабалар иштирокида турли тадбирлар мунтазам ўтказилаётир. Институтнинг иқтидорли талабалари Абу Али ибн Сино номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлмоқда.

– Буюк бобомиз номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлганим менга катта масъулият юклайди, – дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Асал Саидхўжаева. – Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак ва айни вақтда фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

*Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эди. Улар орасида Қарши олимпия захиралари коллежининг дзюдо спорти бўйича мураббийи Баҳодир Ҳожиев ҳам бор. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" унвонига лойиқ топилди.*

# ШОГИРДЛАР ЗАФАРИ – МУРАББИЙ КАМОЛИ



**СУРАТДА:** *мураббий Б.Ҳожиев (чапда) шогирдлари билан машғулотда.*

Баҳодирда спортнинг оммабоп тури – курашга бўлган меҳр ёшлигидаёқ уйғонди. У бўш вақтларида тенгқурлари билан спорт залида кураш тушар, жаҳон миқёсидаги курашчилар гиламда маҳоратини дадил намоён этаётганини кўриб, уларнинг услубларини ўзлаштиришга ҳаракат қиларди.

– Отамнинг курашга ихлоси баландлиги мени ана шу спорт тури томон етаклади, – дейди Баҳодир Ҳожиев. – 3-синфда ўқиб юрган кезларимдаёқ Қарши шаҳридаги 29-мактабнинг спорт секциясига қатнардим. Мураббийим Муйдин Самадовдан курашнинг сир-асрорларини ўргандим.

Ёш полвон маҳоратининг янада ошишида Баҳром Авазов раҳбарлигидаги кураш тўгараги алоҳида аҳамият касб этди. У 1992 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда турли миқёсдаги беллашувларда фаол қатнашди. 1995 йилда ёшлар ўртасидаги республика чемпионатида совриндор бўлган бўлса, орадан беш йил ўтиб, 73 килограмм вазндаги полвонлар ўртасида Ўзбекистон кубоги соҳибига айланди. Баҳодир Ҳожиев Қарши давлат университетининг жисмоний маданият ва спорт факультетида таҳсил олиб юрган йиллари маҳоратли спортчига айланиб улгурди. Таниқли мураббийлар Владимир Мальков, Минкаил Амариев ва Улуғбек Паттаев сингари устозлардан сабоқ олди.

1997 йилда олий даргоҳни тамомлаган умидли мутахассис иш фаолиятини Қарши шаҳридаги футбол мактаб-интернатидан бошлади. Мазкур билим даргоҳида устози Минкаил Амариевнинг бевосита кўмаги билан курашнинг дзюдо бўлими очилди. Етти йил мобайнида қанчадан-қанча ёшлар дзюдонинг сир-асрорларидан сабоқ олиб, республика ва халқаро мусобақаларда муносиб қатнашиб ғолиб бўлишди. 2004 йилдан эса Қарши олимпия спорт захиралари коллежида фаолиятини давом эттирди.

– Ютуқларга эришишимда устозим марҳум Минкаил Амариевнинг ҳиссаси катта бўлган, – дейди Баҳодир Ҳожиев. – У кишининг бир гапи ҳеч ёдимдан чиқмайди: "Дзюдо кураши сабр-тоқатли бўлишни талаб этади. Босиқлик билан кучни билагига тўплай олган полвонгина муваффақият қозонади". Шогирдларим ютуғида ана шу босиқлик ва сабр-тоқатни кўраман. Бир зумда ғалабага эришиб бўлмайди. Ҳамма ютуқ замирида устозим айтганларидек, катта меҳнат ва машаққат мужассамдир.

Баҳодирнинг шогирдларидан бири, футбол-интернат мактаби дзюдо бўлимида таҳсил олган Мирзоҳид Фармонов 2012 йил Лондон Олимпиадасида 66 килограмм вазндаги полвонлар баҳсида муваффақиятли иштирок этди. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII ёзги Осиё ўйинларида эса бронза медалини қўлга киритди. Шогирдларидан яна бири Сойиб Қурбонов ҳам ана шу беллашувларда иштирок этиб, жамоавий биринчиликда 3-ўринга кўтарилди. Шунингдек, Сойиб 2013 йили Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон Универсиадасида юз килограмм вазнда бронза медали соҳиби бўлган эди. Бундан ташқари, бу икки полвон Тошкентда бўлиб ўтган Гран-при мусобақаларида ҳам ғолиб бўлган.

Баҳодир Ҳожиевдан дзюдо курашини пухта ўрганган шогирдлари Маъруф Хидиров, Улуғбек Норқобилов, Нурбек Олимжонов, Муҳаммад Эшмуродов, Назокат Каримова, Жасур Жўраев, Суннат Оромов, Зокир Жўраев, Акобир Абдусатторовлар ҳам ўз вазнлари бўйича республика ва халқаро мусобақаларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишганди.

– Оила аъзоларим, фарзандларим ҳам спортни жон дилдан севишади, – дейди Баҳодир Ҳожиев. – Отам Қарши давлат университетининг жисмоний маданият ва спорт факультетида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Укам Жамшид коллежимиздаги миллий кураш бўлимида фаолият кўрсатяпти, республика тоифасидаги ҳакам. Ўғлим Бобур эса яқинда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида дзюдо бўйича мусобақада ғолиб бўлди. Иккинчи фарзандим Адҳамжон эса 2013 йилда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро турнирнинг бош мукофотини қўлга киритган.

Қарши олимпия захиралари спорт коллежи мураббийи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Баҳодир Ҳожиев эзгу мақсадлар сари олға интиляпти. Унинг бу интилишларига юксак парвозлар тилаб қоламиз.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Акмал АЗИМОВ олган сурат.*

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

# ЭКОЖУРНАЛИСТИКА ТАНЛОВИ

## ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Кенг жамоатчиликни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлардан хабардор қилишда экожурналистиканинг ўрни ва ролини кучайтириш, эколог-журналистларнинг касб маҳоратини ошириш мақсадида 2014 йилда анъанавий 13-республика экологик журналистика танлови ўтказилмоқда.*



Танлов Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот хизмати, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари экофоруми ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Республика танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар самарадорлигини ошириш, ҳудудий ОАВ журналистларининг иштирокини фаоллаштириш ва саъй-ҳаракатлар мувофиқлигини таъминлаш мақсадида танлов ташкилотчилари томонидан қўшма қарор қабул қилиниб, 2014 йилда Республика экологик журналистика танловини ўтказиш тўғрисидаги низом тасдиқланди ва танлов ташкилий қўмитаси ташкил этилди.

Танловга 2013 йилнинг 1 декабридан 2014 йилнинг 30 ноябрига қадар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва эфирга узатилган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танлов "телевидение", "радио", "босма ОАВ", "интернет нашрлари" номинациялари бўйича ўтказилади.

Танлов доирасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан Глобал сув ҳамкорлиги ташкилотининг Марказий Осиё ва Кавказ тармоғи билан ҳамкорликда **"Сув – бу ҳаёт"** мавзусида махсус номинация эълон қилинди.

**Ушбу номинацияга тақдим этиладиган материаллар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:**

*– ҳаёт манбаи бўлган сувдан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш;*

*– сувни тежаш технологияларини жорий этиш бўйича дастурларнинг амалга оширилиши;*

*– сувни тежовчи технологиялардан фойдаланаётган фермерларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;*

*– сув ресурсларини бошқаришга жамоатчиликни жалб этиш;*

*– сувдан тежаб фойдаланиш соҳасидаги инновациялар;*

*– озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сел ва ёмғир сувларидан унумли фойдаланиш;*

*– сув манбалари ифлосланишининг олдини олиш чора-тадбирлари.*

Ушбу махсус номинация бўйича энг яхши ижодий ишлар Глобал сув ҳамкорлиги ташкилотининг Марказий Осиё ва Кавказ тармоғининг мукофоти билан тақдирланади.

Бундан ташқари, 13-республика экожурналистика танлови ташкилий қўмитаси Халқаро тоғлар куни муносабати билан танлов доирасида **"Тоғ аёллари" махсус номинациясини** эълон қилади.

*Ушбу номинацияга тоғли ҳудудларда истиқомат қиладиган аёллар ҳаёти, меҳнати, дам олиши, бола тарбияси билан шуғулланиши каби масалалар ҳақида ҳикоя қиладиган босма материаллар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, фильмлар қабул қилинади.*

Халқаро тоғлар куни БМТ Бош Ассамблеясининг 57-қарорига асосан 11 декабрда нишонланади. 2014 йилда мазкур сана "Тоғдаги фермер оилалар: дунёни озиқ-овқат билан таъминлаш ва сайёрани сақлаш" шиори остида ўтказилади ва Халқаро оилавий фермер хўжаликлари йилига бағишланади.

Ушбу номинациядаги энг яхши ижодий ишлар махсус мукофотлар билан тақдирланади.

Танловга келиб тушган ижодий ишлар жамоат ташкилотларининг етакчи мутахассисларидан иборат ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жамият", "Экоҳаёт" газеталари, www.parliament.gov.uz, www.fundngo.uz, www.eco.uz, www.uznature.uz, www.ngo.uz, www.ecoforum.uz веб-сайтлари экожурналистика танловининг ахборот кўмакчиларидир.**

**Телефон: (+998 71) 230-41-53; e-mail: info@eco.uz**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







Акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси банк марказий идораси ходими Алишер Абировга падари бузруквори

**Абдулаҳад ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қарши шаҳридаги "Насаф" махсус сув қурилиш таъмир созлаш" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ташкилот раҳбари Орифназар Имомназаровга акаси

**Боймат ота**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 310-06-99; **Навоий** – (+99891) 332-00-88; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99893) 994-57-08; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** С.САЙДИСЛОМОВ
**Мусаҳҳиҳ:** Ҳ.АБДУҒАНИЕВ
**Дизайнер:** Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1119, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.15
15955 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5